



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**  
**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ**

712000. Фарғона ш. Шамсуддинов кучаси-16  
тел. 24-46-23. Х/раками 000286281  
Код 173046327 саноат курилиш банки  
Улутбек бўлими

№ 16\ 491 -2002  
«10» октябр 2002 й

Марғилон шаҳар Зухро  
кўчаси 32-уй. 32-хонада  
яшовчи

М.Тожибоевага

Фарғона вилоят прокуратураси томонидан Сизнинг Киргули тумани ички ишлар бўлими ходимларининг қонунсиз ҳатти-ҳаракатлари устидан ёзган аризангиз текшириб чиқилди.

Аризангизда кўрсатилган ҳолатлар бўйича Киргули тумани прокуратураси томонидан терговолди текширув ҳаракатлари ўтказилиб, 2002 йил 01-июл кунидан то 02-июл кунига қадар Киргули тумани ички ишлар бўлими ходимлари Сизни ҳуқуқбузарлик содир этишда асоссиз айблаб, ушлаб турганликлари факти юзасидан Киргули тумани прокурори Ю.А.Ким томонидан 27-сентябр 2002 йил кунини Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 206 моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Ҳозирда ушбу жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Тергов ҳаракатлари устидан вилоят прокуратураси томонидан назорат ўрнатилган.

Аризангиздаги барча важлар дастлабки тергов ҳаракатлари жараёнида текшириб чиқилади ва қонуний баҳо берилиб, ҳал қилинади. Тергов натижалари ҳақида Сизга хабар берилади.

Фарғона вилоят прокурори  
биринчи ўринбосари  
адлия маслаҳатчиси

М.Х.Қурбонов